


2020-йилдан нимани ўргандинг?!



11:00 / 08.01.2021 2044

Бу йилдан ўрганган нарсам шу бўлдики, биз режа тузаверар эканмиз, ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи қарор қилар экан.

Изоҳ: 2020-йил бошидан бери ўта қисқа фурсатлар ичида жаҳонни ҳамма ерини қамрашга улгурган коронавирус пандемияси таъсири ила катта, ривожланган давлатлар иқтисодини «таги» кўриниб қолди.

Дунёнинг манаман деган катта-катта компаниялари ўзларининг миллиардлаб долларли, бир неча босқичли, узоқни кўзлаган молиявий дастурлари билан «ўтириб» қолишди, «музлашди», тўхташди. Бутун дунё бўйича иқтисод, ижтимоий ҳаёт ва деярли барча соҳалар издан чиқди.

Тиббиёти энг кучли бўлган ғарб давлатларининг кўпида касалланиш сони, вафот этганлар сони антирекорд даражаларга етиб, ўтди. Барига биргина вирус сабаб.

Мана бу бандаси режа қилаверадию, барибир Аллоҳнинг айтгани, ёзгани бўлишига ёрқин мисол. Ўзи нажот берсин.

P.S. Айти дамгача бўлган коронавирус пандемияси бўйича дунё статистикаси қуйидагича экан: Касалланганлар: 87 225 457 киши. Вафот этганлар: 1 884 266 киши.

arabicusz фейсбук саҳифасидан

grandtalim